

PEDAGOGIKA ILIMLERI

Pedagogika teoriyası hám tariyxı

ТЕХНИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИДА
КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

С.Ю.Адизова - мустақил тадқиқотчи

Бухоро муҳандислик - технология институти

Таянч сўзлар: компетенция, профессионал муҳандис, муҳандислик қобилияти, когнитив, мотивация.**Ключевые слова:** компетентность, дипломированный инженер, инженерные способности, когнитивность, мотивация.**Key words:** competence, chartered Engineer, engineering ability, cognitive, motivation.

Ҳозирги замон жамиятида жадал ривожланаётган янги технологиялар ва уларга мос равишда тез ўзгарувчан ишлаб чиқариш соҳалари, олий таълим муассасаларидан замон билан доим ҳамнафас бўлишини талаб қилади. Шу сабабли, улар олий таълим муассасалари, жумладан, техника йўналишидаги олий таълим муассасалари битирувчиларнинг асосий истёмоқлари бўлган юқори технологияли корхоналарнинг талаб ва сўровларини бажаришга интиладилар. Бу эса битирувчиларга қўйиладиган малака талабларини уларнинг иш берувчилар билан ҳамкорликда ишлаб чиқишини тақозо этади.

Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, Ўзбекистон дипломларини халқаро даражада тан олиниши учун Ўзбекистон Болония келишуви талабларини ҳисобга олиб, бугунги кунда икки босқичли таълим тизимига ўтмоқда. Натижада, олий таълимнинг ДТСда олий таълим муассасалари битирувчиларига қўйиладиган талаблар умуммаданий ва касбий компетенциялар шаклида таърифланади. Шу сабабли, ушбу тадқиқотда биз нафақат янги Давлат таълим стандартини ҳисобга олдик, балки хорижий мамлакатларда ҳам муҳандислик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини олиш учун сертификатлаш ва лицензиялаш тартиби билан боғлиқ бўлган махсус адабиётлар ва ҳужжатлар қайта кўриб чиқилди.

Шундай қилиб, ушбу тадқиқот жараёнида техника олий таълим муассасаларининг 5320200 - “Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришини жиҳозлаш ва автоматлаштириш” таълим йўналишида тахсил олаётган бўлажак мутахассислар келгусида самарали касбий фаолият юритишлари учун зарур бўлган компетенциялар мажмуини аниқлаш ва тавсифлаш зарур. Биз техника ихтисослиги бўйича таълим олаётган бакалаврлар малакасига қўйиладиган талабларни таълим муассасаси ўқув жараёнида шаклландирган касбий компетенциялар мажмуи сифатида тақдим этамиз, шунингдек бўлажак бакалаврларнинг интеллектуал ривожланишини баҳолаш ҳақида тўхталиб ўтаемиз.

Биринчидан, биз томонимиздан олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, инновацион корхоналар иш берувчиларнинг талабларини келгусида юқори технологик корхоналарда ишлайдиган техника ихтисослиги бакалаврларига қўйиладиган малака талаблари сифатида қабул қилиниши мумкин: - жиҳозларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш учун масъулият билан ёндашиш; - монтаж қилиш ва сошлаш босқичидан бошлаб, то ҳисобдан чиқаришга қадар ишлайдиган жиҳозларни назорат қилиш; - жиҳозларнинг тўғри ишлашини назорат қилиш, техник кўриклар ва диагностика ишларини ўтказиш; - цехларни модернизациялашда иштирок этиш; - технологик, лойиҳалаш ҳужжатлари билан ишлашда масъулият билан ёндашиш; - жиҳозлардан фойдаланиш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш учун буюртмаларни расмийлаштириш.

Иккинчидан, Болония шартномасига кўра, фақат сертификатлаш ва лицензиялаш тартибидан ўтган ва касбий компетенциялари тест орқали баҳоланган шахсларгина тегишли мамлакатларда муҳандислик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўладилар. Ушбу процедурадан ўтганларидан сўнг талабгорлар “профес-

сионал муҳандис” (Chartered Engineer) мақомига эга бўлишади.

Ватанимиз олий касбий таълим тизимида мутахассиснинг малака тавсифларини тузиш бўйича кўп йиллик тажриба тўпланган бўлиб, унда турли таълим йўналишлари битирувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар белгиланган. Уларда билим парадигмасидан ташқари, “тайёрлик”, “қобилият”, “масъулият”, “тушуниш” атамалари ва “дунёқараш”, “компетенция”, “компетентлик” каби тушунчаларга ҳам изоҳ берилиб ўтилган.

Таълимнинг янги парадигмаси билимларни доимий равишда тўлдириш ва янгилаш, билим, малака ва кўникмаларни такомиллаштириш, уларни мустаҳкамлаш, компетенцияларга айлантириш эҳтиёжини шакллантиришга йўналтирилиши лозим. Битирувчиларнинг компетенциялари таркибини тадқиқ қилиш масалалари қатор ўзбек ва чет эл олимлари: Н.А.Муслимов, Д.О.Химматалиев, О.А.Куйсинов, О.О.Даминов, Н.Р.Нажмиддинова, В.И.Байденко, Ж.Ван Зантворт, В.В.Краевский, Э.Ф.Кроули, А.В.Хуторской, С.Шоу, Б.Мансфилд ва бошқаларнинг ишларида акс этган [4,5,6,7,8]. Муаллифлар компетенцияларни шакллантириш ва уларнинг таркибини аниқлашга турлича ёндашувлар таъриф қилганлар.

Шуни таъкидлаш жоизки, педагогикадаги ёндашувлар ўқитиш ёки тарбиялаш стратегиясини белгиловчи тамойиллар йиғиндисидан иборатдир. Умуман, олий таълим муассасаларида компетентли мутахассисларни, хусусан, машинасозлик йўналишидаги бўлажак муҳандисларни касбий тайёрлаш вазибаларига мувофиқ уларнинг техник қобилиятлари ва касбий компетенцияларини ривожлантириш муаммоларини комплекс ҳал қилиш учун, энг аввало, қуйидаги ишлар амалга оширилиши керак: - машинасозлик технологияси, автоматлаштирилган ишлаб чиқаришнинг технологик жиҳозлари, рақамли дастурда бошқариладиган дастгоҳларни дастурлаш асослари каби фанларни ўқитиш жараёнида олинган билим, кўникма ва малакаларини мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш; - илмий-техник ва график тасаввурларини кенгайтириш; - талабаларнинг ижодий фикрлашини ва олинган билимларини амалда қўллаш қобилиятини ривожлантириш; - мустақил ижодий фаолиятини ривожлантириш, инновацион фаолиятини қўллаб - қувватлаш; - амалий фаолият жараёнида ахборот - коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишга тайёрлаш.

Н.Р.Нажмиддинованинг фикрича, компетенциявий ёндашувда таълим жараёнига эмас, балки унинг натижасига, таълимда ўқитувчи ролининг ўзгариши ва шу билан таълимни ташкил этиш ва унинг натижасини баҳолаш методларининг ўзгаришига эътибор қаратилади. Бундан ташқари, компетенциявий ёндашув таълимнинг амалий йўналганлигини кучайтиришни назарда тутди. Эгалланган билимларнинг аҳамиятини назарда тутган ҳолда, улардан амалда фойдаланишга кўпроқ урғу берилди. Бундай ёндашувда таълим мазмуни ўзгартирилади, таълим олувчида янги имкониятларни шакллантириш, унинг шахсий имкониятларини ривожлантириш назарда тутилади, масалан: ўқишга

ўрганиш, яъни ўқув фаолияти соҳасидаги муаммоларни, шу жумладан, билиш фаолияти мақсадини, ахборотнинг зарурий манбасини аниқлаш, қўйилган мақсадга эришишнинг мақбул усуллари топиш, олинган натижаларни баҳолаш, ўз фаолиятини ташкил этиш, бошқа таълим олувчилар билан ҳамкорликда ишлаш муаммоларини ечишга ўргатилади [3].

О.А.Қўйсиновнинг таъкидлашича, хорижий давлатлар ва ватанимиз тадқиқотчилари томонидан таклиф этилаётган таянч, касбий ва махсус компетенцияларнинг турлича таснифларида компетенцияларнинг шундай барқарор гуруҳлари етарли даражада аниқ-равшан белгилаб берилдики, уларни эгалламасдан туриб, инсон замонавий жамиятда муваффақият билан фаолият кўрсатиши мумкин эмас. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин: - ижтимоий-фуқаролик соҳасидаги компетенция; - ижтимоий муносабатлар соҳасидаги компетенция; - ахборот соҳасидаги компетенция; - ижтимоий-индивидуал соҳадаги компетенция; - касбий-мехнат соҳасидаги компетенция; - тизимли компетенция [9].

Н.Р.Нажмиддинованинг эътирофича, кўплаб Ғарбий Европа мамлакатларининг касб таълими тизимида “компетенциялар асосида ўқитиш” ифодаси қабул қилинган. Умумий Европа TUNING лойиҳасида компетенциялар ва кўникмалар тушунчалари билиш ва тушуниш, нима қилиш ва қандай қилиш кераклигини билиш сифатида талқин этилади. Умумий компетенциялар уч гуруҳга ажратилади: -инструментал; - шахслараро; -тизимли [3].

О.О.Даминовнинг таъкидлашича, компетенцияларнинг мазмуни ва тузилмасини қуйидаги таркибий қисмларга ажратиш мумкин: - конгнитив; - фаолиятга оид (амалий тажриба); - операцион - технологик; - шахсий; - маънавий - мотивацион; - рефлексив [1].

Европа ва Америкадаги техник мутахассислардан қуйидаги малакаларга эга бўлишлари талаб этилади: муҳандис, технолог ва техник. XX асрнинг тўқсонинчи йилларида мутахассисларнинг компетенциялари даражасини баҳолаш ва ягона талабларни ишлаб чиқиш учун халқаро ташкилотлар - муҳандисларнинг мобиллиги Форуми (EMF) ва технологларнинг мобиллиги Форуми (ETMF) ташкил этилди. Мутахассисларнинг касбий компетенциялари ва таълим муассасалари битирувчиларига қўйилган талаблар ўртасида мувофиқликни қуйидаги халқаро ташкилотлар белгилаб беради: техника олий таълим муассасаларининг битирувчилари учун Вашингтон (Washington Accord) келишуви, техника касб - ҳунар мактаби битирувчилари технологлар учун Сидней шартномаси ва техника коллежини

битирувчи техниклар учун Дублин шартномаси.

Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этишга компетенциявий ёндашув эса таълим мазмунининг янгиланаётганлигидан далолат беради. Шу муносабат билан тадқиқот ишида техника олий таълим муассасаларидаги 5320200 - “Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришини жиҳозлаш ва автоматлаштириш” таълим йўналиши талабаларида шаклландиган касбий компетенцияларни асослашни давлат таълим стандарти, малака талаблари, ўқув режа, фанлар бўйича намунавий дастурлар ва ишчи дастурлар таҳлили асосида амалга оширилади.

5320200 - “Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришини жиҳозлаш ва автоматлаштириш” таълим йўналиши талабаларида шаклландиган касбий компетенцияларни аниқлаш мақсадида ўқув режада ўқитиш кўзда тутилган умумкасбий ва махсус фанларнинг намунавий ва ишчи фан дастурлари таҳлил қилинади.

Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатдики, 5320200 - “Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришини жиҳозлаш ва автоматлаштириш” таълим йўналиши талабаларида ўқув режада кўзда тутилган ихтисослик фанларини ўқитиш мазмуни бизнинг фикримизга кўра, мутахассиснинг “касбий компетенциясини шакллантириш” атамаси мазмунига жуда яқин, улар автоматлаштирилган ишлаб чиқариш технологияси, рақамли дастурда бошқариладиган дастгоҳларни дастурлаш асослари, автоматлаштирилган ишлаб чиқаришнинг технологик жиҳозлари, технологик жиҳозларни компьютер ёрдамида лойиҳалаш соҳаси учун хос бўлган ва ихтисослашган аниқ билимлар, кўникмалар ва малакаларни ўз ичига олади. Уларни ўрганиш жараёнида эгалланган билим ва кўникмалар эса бўлажак муҳандис - техникларнинг касбий фаолият мазмуни ва турларини чуқурроқ ўзлаштиришга имкон беради.

Бизнинг назаримизда, бўлажак мутахассисларнинг малака талабларида қуйидагилар акс этиши зарур: давомий касбий таълим, муҳандислик фанларини билиш, муҳандислик таҳлили, муҳандислик ечимларини лойиҳалаш, замонавий техник ва ахборот - коммуникация технологиялари воситалардан фойдаланиш, индивидуал ва жамоавий иш каби лойиҳаларни бошқариш ва молия, умрбод ўрганиш.

Бўлажак муҳандис - техникнинг касбий компетенцияси ва қобилиятини ривожлантириш жараёнида қуйидагилар: - психологик тайёргарлик; - илмий - назарий тайёргарлик; - касбий тайёргарлик; - психологик ва жисмоний тайёргарликдан иборатдир.

Адабиётлар

1. Даминов О. О. Бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларида касбий компетентликни шакллантириш. Профессионал таълим тизимида ислохотлар: малака ошириш таълим турида инновацион ғоялар мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция маърузалари. – Тошкент: 2019. 128-б.
2. Saidova Kh.Kh., Djalolova D.F. Promotion of practical trainings for the development of the creative abilities of students in special subjects using foreign methods of foreign education method. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, Vol. 8 No. 11, 2020, -P. 73-79.
3. Нажмиддинова Н.Р. Коллеж ўқувчиларида касбий кўникмаларни шакллантириш методикасини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштириш: Дис.... пед. фан. ном. (PhD). – Тошкент: 2019. 118-б.
4. Urinov U. Organizational structure of relations between technical higher education institutions and industrial enterprises and students. Current research journal of pedagogics. <https://doi.org/10.37547/pedagogics-crjp-02-12-11>.
5. Urinov U., Adizova S. Pedagogical conditions for the development of students in industrial practice. E3S Web of Conferences 284, 09017 (2021)
6. Urinov U. Social psychological priorities of social cooperation. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. 8 №. 2, 2020 Part II ISSN 2056-5852 Progressive Academic Publishing, UK Page 62 www.idpublications.org
7. Urinov U. "Status and problems of cooperation with higher educational enterprise enterprises", International Journal of Psychosocial Rehabilitation, vol. 24, no. 8, pp. 5277-5282, 2020. ISSN: 1475-7192.
8. Қўйсинов О.А. Компетентли ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-педагогик ижодкорлигини ривожлантириш технологиялари: пед. фан. док. (DSc) дисс. автореф. – Т.: 2019. 70-б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада машинасозлик таълим йўналиши талабаларида касбий компетенцияларни ва техник қобилиятини шакллантиришнинг камчилик ва муаммолари, имкониятларини таҳлил қилишга асосий эътибор қаратилади. Техника олий таълими тизимида муҳандислар, техник мутахассисларни тайёрлаш сифати, аввало, шаклланган касбий компетенцияларга ва бўлажак мутахассисларнинг интеллектуал ривожланишига боғлиқдир.

Статья посвящена анализу недостатков и проблем, возможностей формирования профессиональных компетенций и технических способностей у студентов инженерно-технических специальностей. Качество подготовки инженеров и техников в системе технического высшего образования зависит, прежде всего, от сформированных профессиональных компетенций и интеллектуального развития будущих специалистов.

SUMMARY

The article is devoted to the analysis of shortcomings and problems, opportunities for the formation of professional competencies and technical abilities among students of engineering and technical specialties. The quality of training of engineers and technicians in the system of technical higher education depends, first of all, on the formed professional competencies and the intellectual development of future specialists.

ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚ ДОСТОНИ «ШАХРИЁР» – ЎРТА АСРЛАРДАГИ УЙҒОНИШ ДАВРИНИНГ БЕБАҲО ПЕДАГОГИК МЕРОСИ

Е.К.Алламбергенов – мустақил тадқиқотчи

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини

Таянч сўзлар: «Шахриёр» достони, I ва II Ренессанс даври, достондаги эътиқод ва Исломга боғлиқ нуқтаи-назарлар, достонда уйғониш даври педагогикасига оид таълимий-тарбиявий қарашлар.

Ключевые слова: эпос «Шахриёр», I и II эпохи Возрождения, взгляды на божество и ислам в эпосе, воспитательные взгляды на педагогику эпохи Возрождения в эпосе.

Key words: "Shahriyor" epic, I and II Renaissance period, views on the divinity and Islam in the epic, educational views on the pedagogy of the Awakening period in the epic.

Мустақиллик даврида «Шахриёр» каби муқаддас меросларимизни ҳар томонлама тадқиқ этиш, уларнинг ғоявий мундарижаларига миллий мустақиллик ғояларидан, таълимий-тарбиявий нуқтаи назардан қараб чиқиб баҳо бериш - педагогика илм-фанининг кун тартибидаги муҳим муаммоларидан бўлиб қолмоқда. Бу эҳтиёж «Шахриёр» достонидаги таълимий-тарбиявий тафаккур, махсус илм-фани тадқиқ қилишни тақозо этади. Чунки, тарихий, маданий меросимизни яхши билмай, улғў ота-боболаримизнинг маданий тараққиётдаги салмоқли ўрнини дунёвий кўламда далиллаб кўрсатмай, ҳозирги даврда маънавий-маданий қайта тикланишни ва уни олға ривожлантиришни рўёбга чиқара олмаймиз.

Ушбу нуқтаи назардан «Шахриёр» достонининг яратилиш ва шаклланиш даври бўйича олимлар Қ.Айимбетов [1:103-105], Қ.Байниязов, Т.Байниязова [4:77-79], Ш.К.Кенесбаевалар [11:14-15] ўз фикрларини билдирган. Бу олимларнинг қайд қилишича, «Шахриёр» достонининг пайдо бўлиши ва шаклланиши даврлари илк ўрта асрлардан иккинчи Ренессанс даврларига бориб тақалганини кўрамыз.

Ўзбекистон Республикаси янги жамият ва буюк келажак қураётган бир вақтда бундай манбалар тарихдан маънавий мадад олиб, фахрланиб яшаш учун ўзлигимизни англашга асос бўла олади. «Шахриёр» достонида таълимий-тарбиявий тафаккур ва ғоялар умуминсоний қадриятлар эканлиги яққол кўзга ташланади. У бутун одамзод цивилизациясига хос бўлган олижаноб қадриятларни ўзида акс эттирган, омма маданиятининг тараққиёти ва ривож учун хизмат қиладиган халқ оғзаки ижоди.

Дарвоқе, «Шахриёр» достонидаги таълимий-тарбиявий тафаккур инсонни ва унинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш қоидаларининг энг дастлабки манбалари бўлган Зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто»дан бошланди. Ўша даврнинг янги фалсафий, диний, ҳуқуқий таълимоти бўлган «Авесто» асосан халқ ва давлат бошқарувининг сиёсий, ҳуқуқий ғояларининг ўлчами сифатида қабул қилиниб, у озод ва обод турмуш кечиришнинг бош манбаи бўлиб хизмат қилган бўлса, «Шахриёр» достонида ёшларга таълим-тарбия бериш, инсонни эзгуликка бошлаш, зулмдан қутқариш ва фаровон турмуш кечириш, миллий урф-одатларга ҳурмат, одоб-ахлоқ, ёмонлик ва ёвузликка қарши кураш, инсоннинг маънавий томондан руҳан пок бўлишини, яхшилик ва ғамхўрлик этиш, ёшларни одиллик ва тўғрилиққа йўналтириш, ёмон ишлардан, адолатсизлик ва нопок ниятга бўлишдан сақланиш, маданиятга эришишга чорлаш, оилани мустаҳкамлаш каби фикрлар жамланган.

Ушбу бебаҳо қорақалпоқ халқ достони

«Шахриёр»ни ёзиб олишда ва уни нашрдан чиқаришда тадқиқотчиларимиз томонидан кўплаб ишлар амалга оширилган. Мазкур достон хусусида айни кунгача тарихшунослик, тилшунослик ва педагогик таълимотлар тарихи йўналишда махсус тадқиқот ишлари олиб борилмади. Хусусан, М.К.Нурмухаммедов [16], Қ.Айимбетов [2], И.Т.Сағитов [18], Қ.Максетов [13], А.Каримов [10], К.Алламбергенов [3], Ш.Кенесбаева [12] каби қатор олимларнинг илмий мақолаларида ва тадқиқот ишларининг баъзи бобларида мавзунинг кўпгина муаммолари кун тартибига қўйилди.

XXI асрнинг 20- йилларигача «Шахриёр» достони ҳақидаги тадқиқотлар махсус мақолалардан ёки эпоснинг у ёки бу муаммосига боғлиқ айтилган фикрлардан ўтиб кета олгани йўқ. Масалан, фольклоршунос олим Қ.Максетов достонларни асосан тўрт гуруҳга бўлади ва «Шахриёр» достони билан «Ширин-Шакар» достонини ижтимоий турмуш масалаларни ўзида акс эттирган достонлар қаторига киритади [14:296]. Шунингдек, олим достон сюжетида меҳнат тарбиясининг алоҳида ўрин олганлигини таъкидлаб, достон қаҳрамони Шахриёрнинг боғ яратиш, деҳқончилик, чорвачилик каби касб-хунарни эгаллашнинг тарбиявий аҳамиятига ҳам алоҳида тўхталади [13:107-109].

Ушбу достонни филологик аспектда махсус тадқиқ қилувчи Ш.К.Кенесбаева бўлса «Шахриёр» достонини «ижтимоий турмуш масалалари ёритилган достонлар» гуруҳида баҳолашни мунозарали масала эканлиги ҳақида биринчилар қаторида фикр билдириб, мазкур гуруҳга киритилган «Шахриёр», «Ширин-Шакар», «Қаншайим», «Мунглик-Зарлик» ва шу каби бошқа достонларнинг барчасида ижтимоий турмуш мотивидан кўра миф-эртас мотивининг эксклюзив ифодаланиши далилланади, бу типдаги достонларни миф-эртас тип сюжетли достонлар деб аталишини тавсия этади [11: 14-15]. Филологик мазмундаги шундай фикрларни фольклоршунос олим М.Ф.Матқулиева ҳам таъкидлаб ўтади [15:13-15]. Булардан ташқари «Шахриёр» достонини эртас тип фантастик эпослар қаторига киритилиши лозимлиги ҳақида илмий қарашлар ҳам бор. Масалан, И.Т.Сағитов «Шахриёр», «Қаншайим», «Ширин-Шакар» каби достонларни эртас-фантастик достонлар қаторига киритган. Унинг фикрича, бу достонлардаги характерли омил – улар мазмунининг халқ эртақлари сюжетларига қурилганлигида, бу достонларда ҳаёлий-эртас элементлари кўпроқ учрайди [18:38].

«Шахриёр» достонида турмушга боғлиқ айрим кўринишлар, меҳнат қилишга чорлаш, от боқиш, чорвачилик билан шуғулланиш ва шу каби қатор